

Қушлар нега сайрайди?



16:01 / 19.12.2025 1574

Ҳар бир қушнинг ҳуштакка ўхшаш тарзда чиқарган навоси (нағмаси), ҳайвонлар орасидаги энг мураккаб (хилма-хилини ўз ичига олган) хабарлашув туридан бири бўлиб, унинг бундай расо яратилганини англаган киши ҳеч қачон ақли калталарни таҳқирлашда «қушмия» (ёки «товуқмия») иборасини ишлатмаган бўларди.

Дастлаб қушларнинг сайрашини ўрганиш билан шуғулланувчилар уларнинг қайси овоз ва нағмаларни ишлатишини текшириб, бу овозларни синфларга бўлиб чиқишган, холос.

1920 йилдан эътиборан эса илм-фан дунёси уларнинг қандай овозлар чиқаришларидан ҳам кўра кўпроқ нега нағма қилиб, куйлагандек сайрашлари устида бош қотира бошлади. Бу сирларни кашф этиш йўлида энг кўп изланиш олиб борганлардан бири Корнел университетининг

биология бўйича профессори Уилям Дилгердир (William Dilger). Ҳайвонлар ҳаракатининг энг қизиқарли томони улар орасидаги ўзаро хабарлашув бўлгани учун ҳам Дилгер уларни табиий ҳолатда текшириб кўрди.

Илк ўрганилиши лозим бўлган нарса, бир қарашда аҳамиятсиз кўринса-да, аммо қушлар учун жуда муҳим бўлган кичик ҳаракатларни қайд этиш эканини таъкидлаган Дилгер: «Қанотлиларнинг ажойиб гўзаллиги ва ранглари сингари, очиқ-ойдин бўлган хусусиятларини қайд этиш қийин бўлмади», дейди.

У яна шундай дейди: «Бироқ кўпгина ҳайвонларнинг хабарлашув услублари ниҳоятда моҳирона таркиб топган ва ўта сирлидир. Бу хабарлашувлар баъзан биргина кўз ишораси тарзидаги енгил ҳаракатлар, мисол учун, бошни астагина пастга ёки юқорига ҳаракатлантириш, дум ва қанотларни бироз қимирлатиш шаклида ҳам бўлиши мумкин. Булар қушлар учун катта аҳамиятга эга».

Ҳозирда олимлар қуш нағмаларининг асосий вазифаларини аниқлаш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Майнанинг энг муҳим хабари ўзининг кимлигини билдириб, «мен майнаман», дегандек қичқиришидир. Худди шундай нарсани қорашақшақда ҳам кузатиш мумкин.

Қизик, нега қушлар ўзларини бундай баланд овозда эълон қиладилар? Бунинг асосий сабаби, ўз туридаги қушни ўзига жалб қилишдир. Яна бошқа бир вазифаси эса ўша жойда ўзининг эркин ва ҳукмронлигини билдириб қўйиш ва у ерга бегоналар яқинлашишининг олдини олишдир.

«Ҳидоят далиллари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 30 декабр 03-07/8108-сонли хулосаси асосида тайёрланди.